

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

СЎЗБОШИ 3

“БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ: ТАРИХИ, АДАБИЁТИ, МАДАНИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Seyhan T. Babur Şah’ın Eserlerinde Zaman Belirten Söz Varlığına Bakış 5
Низомиддинов Н. Бобурийлар даври ҳинд-мусулмон мусиқа санъати 15
Каромат Д. Бобурийлар давридаги мусиқага оид рисолалар 32
Эшонова С. ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Бобурийлар сулоласига мансуб назмий асарлар……..... 45
Муҳаммадаминов С. XVII–XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихида “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг ўрни (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёзма нусхалари мисолида) 60
Жўраев Ж. “Нафоис ул-маосир”нинг Хивада кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳақида 74
Юсупова Д. Бобур “Аруз рисоласи”нинг Темурийлар даври арузшунослигида тутган ўрни 88
Мадалиева О. Абдулла Носировнинг “Бобурга оид манбалар” дафтари хусусида 99

ПЕРСОНАЛИЙ

Бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонованинг 100 йиллик юбилейига бағишланган хотира

Юсупова Д. Сабоҳат Азимжонованинг ҳаёти ва фаолияти.....107

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 29 июндаги
4-сонли мажлиси қарорига
кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:

100170. Тошкент ш.,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*:* beruni1@uznet.uz

D. Karomat

Treatises on music composed during the Baburid's reign

This article is dedicted to some important treatises on the Indian musical culture, composed during the reign of the Baburids, particularly the period from Babur to Aurangzeb (1526–1707). The article is mainly describes treatises on music in Sanskrit and Persian languages, and also mentioning the attitude of the Baburid rulers to the musical culture of their time, which are based on historical, literary and lexicographical sources. Through the ages the Indian subcontinent has assimilated the culture and religious practices and beliefs of newcomers. As a result the medieval India presented to the world multilinguial religious, philosophical, literary, lexicographical, etc., works written in Sanskrit, Pali, Arabic, Persian, Turkic, Braj, Hindi and Urdu. Synthesis of Indian and Turco-Persian musical cultures has been described in treatises on the example of unity of *ragas* and *maqam*s.

Key words: *Baburids, musical culture of India, treatises, raga, twelve maqam system, Rag Darpan, A'in-i Akbari, Tuhfat al-Hind,tuzuk.*

С. Эшонова

ЎзРФА Шарқшунослик институтидаги Бобурийлар сулоласига мансуб назмий асарлар

Ҳиндистонда 500 йилга яқин ҳукмфармолик қилган Бобурийлар сулоласи амалга оширган нафақат давлат бошқарувидаги ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, балки сулола вакиллари томонидан яратилган маънавий-маърифий мерос ҳам ҳали хануз Шарқ ва Ғарқ олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Мазкур сулола даврида бу ҳудудда фан, адабиёт ва санъатнинг деярли барча турлари ривожи ўз инъикосига топди [11: 3, 229].

Буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) бобоси Амир Темур (1336–1405) каби ижод аҳлидан илтифотини аямади, уларни доимо қўллаб-қувватлади. Фарзандларига ҳам турли илмлар қаторида назм ва насрни алоҳида эътибор билан ўргатди. Натижада унинг авлодларидан қатор шоир ва шоиралар, муаррихлар етишиб чиқди.

Сулола вакилларининг айримлари қаламига мансуб назмий асарлар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. Шу ўринда эслатиш жоизки, Институтда Асосий фонд, Ҳамид Сулаймонов фонди ва Дублет фондлари сақланади. Бинобарин, Бобурийлар сулоласига оид назмий асар нусхалари мазкур фондлар кесимидаги тасниф орқали ифодаланади.

Маълумки, “Бобурнома” номи билан машҳур тарихий-бадиий наср услубида ёзилган “Тузуки Бобурий” асаридан ташқари, Бобур ўз шеърларини жамлаб девон тузган, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийнинг (1404–1490) “Рисолаи волидия” (“Отага аталган рисола”) асарини форс тилидан туркий тилга назмий таржимасини амалга оширган. Ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишлаб ҳанафия мазҳабига оид мўътабар манбалар асосида диний-фалсафий, фиқҳий мазмундаги “Мубаййин” асарини ёзган.

Ҳозиргача Бобур девонининг 9 та қўлёзма нусхаси аниқланган. Хусусан, Ҳиндистоннинг Рампур Наввоб кутубхонасида “Девони Бобур” (№ 19) номидаги нусха, Францияниг Париж Миллий кутубхонасида (Paris, Bibliotheque Nationale, Suppl. Turc. №1230) “Девони туркий Бобур подшоҳ” номли нусхаси, “Девони Бобуршоҳ чигатойи” нусхаси Туркиянинг Истанбул университети кутубхонасида (Istanbul iiniversitesi kiitiiphanesi, No: 3743), “Девони Султон ул-аъзам Бобур Мирзо” номли нусхаси эса ИстанбулдагиТўпқопи саройи Равон кутубхонаси (Topkapi Sarayi Revan kiituphanesi, 2314), “Девони Мирзо Бобур” нусхаси Истанбул шахар кутубхонаси, Муаллим Жавдат кулёзмалари булими (Istanbul 100. Yil Atatbrk Kitapligi, Muallim Cevdet yazmalari, K. №332), “Девони Бобур подшоҳ” номидаги 2 нусхаси Ҳиндистоннинг Хайдаробод шаҳри Салоржанг музейижа (India, Salar Jung Estate Library, No: 4, 18), айни шу номдаги девоннинг яна бир нусхаси Англиянинг Лондон шаҳри, Британия музейи кутубхонасида, (London, The British Library D.P. 1402, Turki Ms 25), Тошкентдаги ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида “Бобур девони” (инв. № 317) номли қўлёзма нусхалари сақланади [8: 123–125]. Мазкур нусхаларнинг энг каби 22, энг кўпи 105 варақдан иборат бўлиб, уларга шоирнинг ғазал, маснавий, китъа, туюқ, рубоий, муаммо, фард, матлаъ, маснуъ каби жанрларда ёзган шеърлари киритилган. Улардан Британияда сақланаётган нусхаси алифбо тартибида, қолганлари аралаш тартибда кўчирилган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида Бобур девони қўлёзмаси мавжуд эмас.

Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишлаб ҳанафия мазҳабига оид мўътабар манбалар асосида диний-фалсафий, фиқҳий, дидактик мазмундаги “Мубаййин” асарини яратди. Унда ислом динининг беш асосий рукни беш китобда шарҳланган. Асар қўлёзмасининг ҳозиргача 8 та нусхаси аниқланган. Улар Германиядаги Статабиблиотека кутубхонасида 2212 ашё рақамида (121 варақ), Теҳрон миллий кутубхонасида №2249 рақамида (182 варақ), Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими фондида А -104 рақамида (98 варақ), шунингдек, Тошкентдаги ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида 103 рақамида (147 варақ) ва 5 нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида (12990, 8433, 2031, 103, 805) сақланади. Мазкур қўлёзмаларнинг энг кам ҳажмлиси 98 варағ – С.-Петербург нусхаси, энг кўп ҳажмлиси 182 варақ – Теҳрон нусхаси ҳисобланади. Энг қадимгиси эса Германия нусхаси бўлиб, у 1539–40 йилда кўчирилган [8: 348–350; 19].

Асар туркий тил ва назмда битилган бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 5 та қўлёзмадан 2 иккитаси Асосий фондда 12990, 8433 ашё рақамлари билан, 3 қўлёзма нусхаси Ҳ.Сулаймонов фондида 2031, 103, 805 ашё рақамлари билан сақланади. Улардан энг қадимгиси 2031 ашё рақамли бўлиб, у 1205/1791 йилда кўчирилган [8: 348–350].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари нусхалари

№	Фонд номи ва ашё рақами	Кўчирилган йили	Ҳажми
1	Асоси фонд, № 12990	1303/1889–1890 й.	121 варақ
2	Асоси фонд, № 8433	XIX аср	152 варақ
3	Ҳ.Сулаймонов фонди, № 2031	1205/1791–1792 й.	152 варақ
4	Ҳ.Сулаймонов фонди, № 103	XIX аср	147 варақ
5	Ҳ.Сулаймонов фонди № 805	XIX аср	117 варақ

Маълумки, саройда бобурийзодаларга шеър илмидан таҳсил берилган ва уларнинг аксарият аҳли қалам экани қатор тазкираларда ёзиб қолдирилган. Бироқ ҳаммаси ҳам соҳиби девон бўлмаган. Фахрий Ҳиротийнинг “Равсат ас-салотин” (“Султонлар боғи”) тазкирасида келтирилишича, Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн Мирзо (1508–1556) султон бўлиш билан бирга отаси каби туркий ва форсий тилда шеър битган. Истанбул шаҳридаги Сулаймония кутубхонасининг Ҳусайн пошшо фондида Ҳумоюн девонининг бир қўлёзма нусхаси 569 тартиб рақами билан сақланади. Қўлёзма 19 саҳифадан иборат бўлиб, унга шоирнинг форс тилидаги 84 та ғазали жамланган. Девонда алиф ҳарфига 20 та, бе ҳарфига – 3 та, те ҳарфига – 9 та, дол ҳарфига – 30 та, ре ҳарфига – 7 та, зе ҳарфига – 2 та, шин ҳарфига – 11 та, лом ҳарфига – 2 та ғазал ёзилган. Варақлар шу ерда узилиб қолган [17: 69; 8: 69]. Ҳарфлар кетма-кетлигига эътибор қиладиган бўлсак, айримларига аксариятига ғазал битилмаган. Бу ҳолат Ҳумоюн Мирзонинг имконсизлигини эмас, булки девонининг мазкур нусхаси мунтахаб, яъни сайланма/терма девон эканини билдиради. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида ҳам девони Ҳумоюн қўлёзмаси мавжуд, лекин у айни шу тахаллусда ижод қилган Саййид Хумоюн Исфароини (ваф. 1079/1668–69 й.) қаламига мансуб [4] .

Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзо (1509–1557) ҳам зуллисонайн шоир бўлиб, *Комрон* тахаллусида туркий ва форсий тилларда ижод қилган, Абдурраҳмон Жомий ғазалига татаббуъ боғлаган [17: 70–71; 7: 294]. Шеърларидан девон тартиб қилган, унинг таркибида 40 та ғазал, 26 та рубоий, 3 қитъа, 21 фард, 9 маснавий ва таркиббанд (жами 1114 мисра) ўзбекча ҳамда 26 ғазал, 4 рубоий, 3 қитъа, 22 фард ва 4 маснавийдан (346 мисра) иборат форсча шеъри киритилган. Бундан ташқари, баёз ва тазкиралардан ғазал, рубоий ва фардлари (418 мисра), жами 1878 мисра шеърлари аниқланган. Девони нусхалари Ҳиндистондаги Худобахш кутубхонасида (1556 й. кўчирилган), Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида ва Калькуттадаги Осиё жамияти қўлёзмалар фондида сақланади [7: 294].

Бобурнинг учинчи ўғли Аскарий Мирзо (1512–1558) ҳам *Аскарий* тахаллусида, форсий туркий тилларда шеър битган [17: 73–74; 7: 56–57]. Кенжа ўғли Ҳиндол Мирзо (1518–1551) эса ҳуснихат ва китоблар жамлашга ихлосманд бўлиб, форс тилидаги рубоийси мавжуд [17: 73–74; 56–57]. Шеърларидан намуналар

тазкира ва баёзларда учрайди, лекин девон тузгани ҳали аниқланмаган.

Бобурийлар давлатининг учинчи ҳукмдори Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1542 –1605) – Бобурнинг невараси, Ҳумоюннинг ўғли бўлиб, “Буюк Акбар” номи билан шуҳрат қозонган. Тазкираларда унинг форс тилида ғазал, рубоий битгани ҳақида маълумот ва шеърларидан намуналар сақланган [7: 28–29].

Бобурийлар давлатининг тўртинчи ҳукмдори Акбаршоҳнинг ўғли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ (Шоҳзода Салим; 1569–1627) Бобур Мирзо ва Гулбадан Бегим анъаналарини давом этдириб, “Тузуки Жаҳонгирий” асарини ёзган. Асарда унинг шеърларидан намуналар келтирилган. Тарих, мумтоз адабиёт, тасвирий санъатдан яхши хабардор бўлган. Саройида доим олимлар, шоирлар, мусаввирлар, муғаннийлар фаолият юритган. Мушоираларда Жаҳонгиршоҳ ўз ғазаллари билан қатнашган, туркий тилни мукаммал билган [7: 244].

Бобурийлар сулоласи бешинчи ҳукмдори Шоҳжаҳон Абулмузаффар Шиҳобиддин Хуррамнинг (1592–1666; Шоҳжаҳон ибн Жаҳонгир ибн Акбар ибн Ҳумоюн ибн Бобур) [7: 579] катта ўғли Султон Муҳаммад Доро Шукуҳ (1616–59) – валиаҳд шаҳзода, шоир, таржимон ва олим бўлган. У “Мажмаъ ал-баҳрайн” (“Икки денгизнинг қўшилиш жойи”), “Сафинат ал-авлиё” (“Валийлар кемаси”), “Ҳасанот ал-орифин” (“Орифларнинг солиҳ амаллари”), “Ҳақнома” номли насрий асарлар ёзган [7: 229]. Шунингдек, *Қодирий* тахаллусида форс тилида ёзган шеърларидан девон тузган. Унинг бир мунтахаб – санланма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида Асосий фондида № 2295/I ашё рақами билан сақланади [2]. Девон 97 варақдан иборат бўлиб, қўлёзманинг 1*а*–97*а* саҳифалидан жой олган. Унга Доро Шукуҳнинг 184 та ғазали (вв. 1*а*–78*б*), 110 та рубоийси (78*б*–97*а*) киритилган. Ғазаллар араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Қайси ҳарфга нечта шеър ёзгани қуйидаги жадвалда ифодаланган.

Қодирий девонидаги ғазалларининг алифбога нисбатан таркиби ва сони

№	Араб ҳарфлари	Сони	Араб ҳарфлари	Сони
1.	ا	6 та	ض	1 та
2.	ب	6 та	ط	1 та
3.	ت	21 та	ظ	1 та
4.	ث	1 та	ع	1 та
5.	ج	1 та	غ	1 та
6.	چ	–	ف	1 та
7.	خ	–	ق	4 та
8.	ح	1 та	ک	–
9.	د	47 та	گ	1 та
10.	ذ	1 та	ل	6 та
11.	ر	17 та	م	24 та
12.	ز	3 та	ن	13 та
13.	س	2 та	و	6 та
14.	ش	1ta	ه	11 та
15.	ص	–	ی	6 та
Жами 184 та ғазал				

Шоҳжаҳоннинг учинчи ўғли Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгир подшоҳ (1618–1707) – саккиз ёшида Қуръони каримни ёд олган ҳофиз, ҳадис ва фиқҳ илмлари билимдони, моҳир хаттот бўлган. У форс, араб, ҳинд-урду, турк (чиғатой) тилларини пухта эгаллаб, катта бобоси Бобур каби ғазаллар битиб, саройида мушоиралар ўтказиб турган [1].

Бобур хонадонига мансуб маликаларнинг аксарияти шеър ёзгани ва уларнинг айрим намуналари турли тазкираларда сақланган. Бобурнинг кенжа қизи Гулбаданбегим (1522–1603) Ўрта аср Шарқида етишиб чиққан биринчи тарихнавис аёл. Жияни Акбаршоҳ ибн Ҳумоюн илтимоси билан “Ҳумоюннома” тарихий асарни яратган. Тазкираларда бир форсча шеъридан мисол сақланган [7: 213l; 12: 87; 15: 6]. Ҳамидабону бегим (1527–1604) – Хумоюннинг севимли хотини, Акбарнинг онаси, Нуржаҳон бегим (1577–1645) – Жаҳонгиршоҳнинг хотини, аёллардан чиққан мусаввир, шоира. Асл исми – Меҳриннисо.

Жаҳонгиршоҳ уни Нури маҳал, кейинроқ Нури жаҳон деб атаб бошлаган. Шоира, гуллардан гулоб ва хушбўй атир тайёрлаган ихтирочи малика. Яратган атрини “Атри Жаҳонгирий” деб номлаган [7: 401–402; 12: 93–94]. Салима бегим (1539–1613) й.) Бобурнинг набираси – Гулбаргбегимнинг қизи, Байрамхон, сўнг Акбаршоҳнинг хотини ҳам шеър битган [7: 443]. Жаҳоноро бегим (1614–1681) – Жаҳонгиршоҳнинг ўғли Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалбегим-Аржумандбонунинг катта қизи – илм-фанга бағишланган – “Рисолайи Соҳибия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) номли асар ёзган, ғазаллар битган [7: 245; 12: 114; 15: 96]. Аврангзеб ва Дилрасбону-Гулбадан бегим қизларидан Зебуннисо (1639–1721) ва Зайнабнисо бегимлар (ваф. 1710) ҳам шоира бўлган. Зайнабнисо бегим *Зийнат* тахаллусида ижод қилган, олима, шоира ва Қуръон ҳофизи бўлган [15: 11–12]. Опаси *Зебуннисо* ва *Махфий* тахаллусларида шеър ёзиш билан бирга моҳир хаттот ва уста танбур чертувчи созанда, туркий, форс, араб тиллари сарфу наҳви (морфология ва синтаксиси)ни, фиқҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта билган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Катта бобоси Бобур каби олим, шоир ва санъаткорларга ҳомийлик қилиб, айримларига ўз ҳисобидан маош тайинлаган, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Унинг “Мунис ал-арвоҳ” (“Руҳларнинг содиқ дўсти”), “Зеб ал-муншаот” (“Гўзал ёзишмалар”) номли асарлар битгани маълум [7: 256–257]. Аксар тадқиқотларда “Зеб ат-тафосир” (“Гўзал тафсирлар”) номли Қуръон тафсирининг муаллифи сифатида Зебуннисога нисбат берилган [16: 34; 18; 13; 7: 256]. Ваҳолангки бу асар Аврангзеб Оламгир аҳди ва унинг қизи Зебуннисонинг хоҳишига кўра шоиранинг устози Муҳаммад Сафи ибн Валий Қазвиний Кашмирий томонидан ёзилган [5: 532]. Мазкур бобурий маликаларнинг турли жанрлардаги айрим шеърларидан намуналаргина тазкираларда сақланган холос [15: 6–15; 14: 11–47]. Уларнинг ичида ҳозирча фақат Зебуннисотузган девонларгина маълум. Унинг асарлари қўлёзма нусхалари дунёнинг бир қатор йирик фондлари, жумладан, Париж миллий кутубхонаси, Британия музейи кутубхонаси, Олмониядаги Тюбинген университети кутубхонаси, Ҳиндистондаги Мота кутубхонаси ва ЎзРФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади [7: 256–257]. Хусусан, Шарқшунослик институти фондида шоира кўрсатмасига кўра яратилган “Зеб ат-тафосир” асарининг 4-жилди, Зебуннисо қаламига мансуб “Махфий” тахаллусидаги девон қўлёзмаларининг 916/II, 944, 1036/VI, 1269 ашё рақамли 4 нусхаси мавжуд. Девон

қўлёзма нусхаларининг 1269, 944 ашё рақамлиси нисбатан тўлиқ, 916/II, 1036/VI рақамлилари эса сайланма/мунтахаб ҳисобланади [3].


ЎзРФА ШИ Асосий фондидаги Аврангзеб қизи Зебуннисонинг “Махфий” тахаллусидаги қўлёзма девони нусхалари

№	Фонд номи ва инв. №	Кўчирилган йили	Ҳажми
1	Асосий фонд № 1269.	1318/1900 й.	144 варақ (1б–144б)
2	Асосий фонд № 1036/VI	18 рабиъ ас-сани 1319/ 4 август 1901 й.	86 варақ (311б–3964б)
3	Асосий фонд № 916/II	зулқъда 1319/ феврал 1902 й.	128 варақ (167б–294а).
4	Асосий фонд № 944	7 ражаб 1321/ 19 октябрь 1903 й.	128 варақ (1б–128б)

Шу ўринда, *Махфий* тахаллусида бир неча шоир ва шоиралар ижод қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аксарият тадқиқотчилар ҳали ҳануз, Зебуннисо мазкур тахаллусда ижод қилмаган, бу шеърлар бирон шоирга тегишли, деган фикрда тўхтаб қолишган [14: 52]. Айни шу тахаллусда Бобурий маликалардан Салима султон бегим ва Нуржаҳон бегимлар ҳам ижод қилганлар [7: 330–331].

Институт фондида сақланаётган 944 ва 916/11 рақамли қўлёзма девонлар колофонида ҳам назм, ҳам насрда унинг Зебуннисонинг *Махфий* тахаллусидаги девони экани котиб томонидан қайд этилган.


Зебуннисонинг “Махфий” тахаллусидаги қўлёзма девонининг 916/II ашё рақамли нусхаси колофони (в. 294*а*)



بعد شکر و ثنای بجناب کبریا و نعت سید الاتقیا والانبیا صلی الله علیه و سلم مخفی مباد که این دیوان زیب النسا بامر حضرت خلیفة الرحمان ظل السبحان باعث الامن و الامان و المستغنی عن التوصیف و البیان اعنی ... در دست این احقر الراقمین ملا خدای برکان بن دوستجان منقیت لی در سنه هزار و سه صد و نوزده در شهر خیوق در ماه ذیلقعده اتمام پذیرفت

Тангри таолога шукру ҳамдлар, тақволилар ва набийлар саййиди саллаллоҳу аълайҳи васалламга наътдан сўнг махфий қолмасинким, Аллоҳнинг ердаги сояси, дин, тинчлик, фаровонлик сабабчиси (Муҳаммад Раҳимхон Феруз) амри билан бу китоби Зебуннисони энг гуноҳкор Мулла Худойберган Дўстжон ўғли Манқитли қўлида Хивақ шаҳрида бир минг уч юз ўт тўққизинчи йилининг зулқаъда ойида якун топди.

Зебуннисонинг “Махфий” тахаллусидаги қўлёзма девонининг 944 ашё рақамли нусхаси колофони (в. 128*б*)



چو دیوان زیب النسا طبع کرد
مسیح الزمان همایون سرشت
سر کلک محرور تأریخ طبع
زهی طبع مخفی عیان شد نوشت

ظل السبحان خلیفة الرحمن اعنی ... دام دولته و شوکته نینک فرمان عالی لاری بیله اوشبو مخفی کتاب کیم بو فقیر الحقیر ملا محمد شریف خواجه ابن محمد یوسف خواجه مرحومی نینک دستیدا اتمامغه یتدی سنه 1321 ماه رجب المرجب نینک یکرمه یتی لانجی کونی

Мазмуни: *Замон Масиҳи, ҳумоюнтабиат*
Зебуннисо девони нашр бўлгач,
Қалам учи нашр таърихини
“Яшасин, Махфий табиат аён бўлди” деб ёзди.

Тангрининг сояси ва халифаси ... (давлату шавкати зиёда бўлгай)нинг олий фармони билан ушбу Махфий китоб гуноҳкорлар гуноҳкори Мулла Муҳаммад Шарифхўжа Муҳаммад Юсуфхўжа марҳумнинг ўғли қўлида 1321 йил ражаб ойининг 27 кунида якунланди.

Колофон матнларидаги мазмундан кўриниб туганидек, мазкур девонларда Зебуннисонинг Махфий тахаллусидаги шеърлари жамлангани аниқ ёзилган. Махфий девонининг 914/II ва 944 ашё рақамли нусхалари матнларини 1269 ва 1036/VI ашё рақамли нусхалари қиёслаш орқали қолган 2 нусханинг ҳам Зебуннисо қаламига мансуб эканини аниқлик киритиш имконини берди ва шубҳага ўрин қолдирмади.

Энди Махфий девонлари таркибига эътибор қаратсак. Биз жалвалда 4 та девон таркибий-қиёсини келтирдик. Бундан кўринадики, 1269 рақамли қўлёзмага 472 та ғазал, 1 қитъа, 2 та руоий, 15 та фард, 52 та таржиъбанд, 1 та мухаммас – жами 493 та шеър киритилган. 1036/VI рақамли нусхадан 445 та ғазал, 4 та фард, 13 та таржиъбанд, 1 та мухаммас жами 463 та шеър ўрин олган. Девоннинг 916/II рақамли девонда 449 та ғазал, 3 та фард, 11 та қасида, 7 та таржиъбанд, 1 та мухаммас – жами 471 та шеър мавжуд. 944 рақамли қўлёзма 455 та ғазал, 3 қитъа, 11 та қасида, 7 та таржиъбанд, 1 та мухаммас, 2 та хотима, 3 та таърих – жами 479 та шеърдан ташкил топган.

Махфий девонлари таркиби

Жанрлар	**Сони/ Саҳифаси**			
	№ 1269	**№ 1036/VI**	**№ 916/II**	**№ 944**
Ғазаллар	**472 та** (1*б*–111*а*)	**445 та** (111*б*–378*а*)	**449** (167*б*–264*б*)	**455** (1*б*–98*б*)
Қитъа	**1 та** (111а*б*)	–	**3 та** (264*б*–265*а*)	3 та (98*б*–99*а*)
Қасида	–	–	**11 та** (265*а*–275*а*)	**11 та** (99*а*–108*б*)
Рубоий	**2 та** (111а*б*)	–	–	–
Фард	**15 та** (111*б*–123*а*)	**4 та** (378*а*)	–	–
Таржиъбанд	**52 та** (123*а*–143*б*)	**13 та** (378*б*–396*б*)	**7 та** (275*а*–293*б*)	**7 та** (108*б*–127*а*)
Мухаммас	**1 та** (144*аб*)	**1 та** (396*б*)	**1 та** (293*б*–294*а*)	**1 та** (127*б*–128*а*)
Хотима	–	–	–	**2 та** (128 *а*)
Таърих	–	–	–	**3та** (128*аб*)
Жами	**493 та** 1*б*–144*б*	**463 та** (111*б*–396*б*)	**471 та** (167*б*–294*а*)	**479 та** (1*б*–128*б*)

Ғазалларида араб алифбосидаги қайси ҳарфга нечта шеър ёзганига оид маълумот эса қуйидаги жадвалда ифодаланган.

	Махфий ғазалларининг араб алифбосига нисбатан таркиби ва сони				
№	**Алифбо**	**№ 1269**	**№ 1036/VI**	**№ 916/II**	**№ 944**
1.	ا	49 та	149 та	45 та	46 та
2.	ب	9та	8 та	9 та	9 та
3.	ت	132 та	20 та	119 та	134 та
4.	ث	1 та	1 та	1 та	1 та
5.	ج	1 та	1 та	3 та	3 та
6.	چ	3 та	2та	–	–
7.	ح	2 та	2 та	4 та	3 та
8.	خ	2 та	2 та	2 та	3 та
9.	د	119 та	115 та	117 та	111 та
10.	ذ	–	–	–	–
11.	ر	13 та	12 та	14 та	12 та
12.	ز	9 та	9 та	9 та	8 та
13.	س	5 та	5 та	5 та	4 та
14.	ش	15 ta	15та	13 та	14 та
15.	ص	1 та	1 та	1 та	1 та
16.	ض	1 та	–	–	–
17.	ط	2 та	1 та	1 та	1 та
18.	ظ	–	–	–	–
19.	ع	1 та	–	–	1 та
20.	غ	–	1 та	1 та	–
21.	ف	1 та	1 та	1 та	1 та
22.	ق	2 та	2 та	2 та	2 та
23.	ک	3 та	2 та	3 та	3 та
24.	گ	–	–	–	–
25.	ل	7 та	7 та	7 та	7 та
26.	م	54 та	51 та	5 та	53 та
27.	ن	17 та	17 та	16 та	16 та
28.	و	5та	4 та	5 та	5 та
29.	ه	6 та	6 та	6 та	6 та
30.	ی	12 та	11 та	11 та	11 та
	Жами	**472 та**	**445 та**	**449 та**	**455 та**

Бобурийлар ҳукмдорлиги даврида ёзилган тарихий, илмий ва адабий асарлар нафақат Ҳиндистонда, балки жаҳон маданияти тараққиётина ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, гарчи ўтган муддатда Бобур ва унинг сулоласи ҳаёти ижодига оид талайгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, дунё фондларида сақланаётган Бобурийлар сулоласига мансуб асарлар ва муаллифларни идентификация қилиш, асарлари каталогини, йиғма-жилдларини тузиб, келажак авлодларга етказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири экани яққол намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмад Муҳаммад. Аврангзеб Оламгир – ислом дини тарғиботчиси // https://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdorlar/1068-avrangzeb-olamgir.html
2. Девони Қодирий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв. № 2295/I.
3. Девони Махфий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв. 916/II, 944, 1036/VI, 1269.
4. Девони Ҳумоюн. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв.№ №№ 3564/II, 1037/VII.
5. Донишномаи забони форсийи дар шубаи Қоза. Жилди севвум.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур . Мубаййин. ЎзР ФА Шарқшунослик институти Асосий фонди қўлёзмаси, инв. №№ 12990, 8433.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. ЎзР ФА Шарқшунослик институти Ҳ. Сулаймонов фонди қўлёзмаси, инв.№№ 2031, 103, 805
8. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, 2014.
9. Исмоил Раҳматшо. Тарҷумаву тафсирҳойи форси-тоҷики Қуръони карим дар ҳинд ва арзиши адабии онҳо // Суханшиноси. 2019. № 2. 121–135.
10. Ризоуддин Фахриддин ўғли. Машҳур ҳотинлар. Тошкент, 2019.
11. Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихижа Бобурийлар даври (Шарқ халқлари тарихидан лавҳалар). Тошкент, 2008.
12. Сатимова Ғ. Бобурийзодалар. Тошкент, 2016.
13. Содиқова М. Бобурий ижодкорлар // https://kh-davron.uz/ yangiliklar/muborak-kin/bobur-mirzoning-ijodkor-avlodlari.html;
14. Тўйчиева О. Тазкираларда ижодкор аёллар. Тошкент, 2021. Ўзбекистоннинг машҳур шоиралари. / Тузувчи: М.Қодирова.

Нашрга тайёрловчилар: Жал. Жўраев ва Жам. Жўраев. Тошкент, 2019.
15. Файзиев Т. Бобурий маликалар. Тошкент, 1994.
16. Фахрий Ҳиравий. Равсат ус-салотин Жавоҳир ул-ажойиб / Таржимонлар: С.Ғаниева, Ж.Жўраев. Тошкент, 2014.
17. Қосимов Б. Зебуннисо // https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/zebunniso-devon.html/
18. Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари - муҳим адабий-диний манба. Тошкент, 2015.

С. Эшонова

ЎзРФА Шарқшунослик институтидаги Бобурийлар сулоласига мансуб назмий асарлар

Ҳиндистонда буюк давлат ташкил қилган арбоб, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ва 500 йилга яқин ҳукмфармолик қилган Бобурийлар сулоласи амалга оширган давлат бошқаруви, ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари ва айниқса, сулола вакиллари томонидан яратилган маънавий-маърифий мероснинг шубҳасиз жаҳон тараққиётида алоҳида ўрни бор.

Мирзо Бобур бобоси Амир Темур (1370–1405) каби ижод аҳлини доимо қўллаб-қувватлагани боис бу даврда фан, адабиёт ва санъатнинг деярли барча турлари ривожланган. Фарзандларига ҳам турли илмлар қаторида назм ва насрни алоҳида эътибор билан ўргатгани натижасида авлодларидан қатор шоир ва шоиралар, муаррихлар етишиб чиқди.

Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодига мансуб Ҳумоюн, Комрон Мирзо, Доро Шукуҳ, Гулбадан бегим, Гулруҳ бегим, Салима бегим, Нуржаҳон бегим, Зебуннисо бегим, Зайнабнисо бегим, Зийнатнисо бегим, Ором бегим бегим, Фано бегим, Жаҳоноро бегим, Ҳамидабону бегим каби назм аҳли, уларнинг мероси ҳақида маълумотлар берилади. Асарларининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган нусхалари институтнинг Асосий, Ҳамид Сулаймонов, Дублет ҳамда Микрофильм фондлари кесимида таснифланади, таркибий-қиёси келтирилади. Манбаларнинг илмий аҳамияти кўрсатилади.

Калит сўзлар: *Заҳириддин Муҳаммад Бобур, девон, мунтахаб, тазкира, фонд, шоир, шоира, Ҳиндистон, Бобурий сулола, қўлёзма, нусха, тасниф, таркиб, қиёс.*

С. Эшонова

Лирические произведения поэтов из династии Бабуридов, хранящиеся в Институте востоковедения Акадумии наук Республики Узбекистана

Государственное управление, реформы, созидательная деятельность Захираддина Мухаммада Бабура (1483–1530 гг.), правителя и поэта, основавшего великое государство в Индии, и династии Бабуридов, правившей почти 500 лет, и особенно духовно-просветительская наследие, созданное представителями династии, несомненно, занимает особое место в мировой истории.

Поскольку Мирза Бабур, как и его предок Амир Тимур (1370–1405) всегда поддерживал людей искусства и ученых, в этот период развивались почти все виды науки, литературы и искусства. В результате обучения своих детей поэзии и прозе, среди прочих наук, из его потомков вышел ряд поэтов и историков.

В статье приведены сведения о Хумаюне, Камрон Мирзе, Даро Шукух, Гулбадан Бегим, Гулрух Бегим, Салима Бегим, Нурджахан Бегим, Зебунниса Бегим, Зайнабниса Бегим, Зийнатниса Бегим, Аром Бегим, Фано Бегим, Джахонаро Бегим, Хамидабону Бегим, а также о поэтах и их литературном наследии. В статье приведена классификация, структурно сопоставлена и исследована значимость рукописей их произведений, хранящихся в Основном, Хамид Сулаймановском, Дублетном и Микрофильмовом фондах библиотеки Института востоковедения имени Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ключевые слова: *Захираддин Мухаммад Бабур, диван, мунтахаб, тазкира, коллекция, поэт, поэтесса, Индия, династия Бабуридов, рукопись, копия, классификация, композиция, сопоставление.*

S. Eshonova

Lyrical works of poets from the Baburid dynasty held at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

The state administration, reforms, creative works carried out by Zahiriddin Muhammad Babur (1483–1530), the ruler and poet who founded a great state in India, and the Baburid dynasty, that ruled for nearly 500 years, and especially the spiritual and educational heritage

created by the representatives of the dynasty, undoubtedly have a special place in world history.

Since Mirza Baburб like his ancestor Amir Timur (1370–1405), always supported people of art and scholars of almost all fields of science, literature and art developed during this period. As a result of teaching poetry and prose to his children, among other sciences, a number of poets and historians emerged from his descendants.

The article gives information about Humayun, Kamron Mirza, Daro Shukuh, Gulbadan Begim, Gulruh Begim, Salima Begim, Nurjahan Begim, Zebunnisa Begim, Zaynabnisa Begim, Ziynatnisa Begim, Arom Begim, Fano Begim, Jahonaro Begim, Hamidabonu Begim, as well as about poets and their literary heritage. I will classify, structurally compare, and show the significance of the copies of their works that held in the Main, Hamid Sulaymanov, Duplicate and Microfilm Collections at the library of the Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Key words: *Zahiriddin Muhammad Babur, diwan, muntakhab, tazkira, collection, poet, poetess, India, Baburid dynasty, manuscript, copy, classification, composition, comparison*.

С. Муҳаммадаминов

XVII–XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихида “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг ўрни (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёзма нусхалари мисолида)

“Фатовойи Оламгирия” (“ал-Фатово ал-Оламгирия”) тўплами ҳанафий фиқҳининг энг нуфузли манбаларидан бири ҳисобланади. У фатволар тўплами бўлиб, Ҳиндистонда Темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлган Муҳаммад Аврангзеб (1658–1707) буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий (ваф. 1679) бошчилигида йигирма уч нафар фақиҳ иштирокида “Фатовойи Оламгирия” ёки “Фатовойи Ҳиндий” (XVII аср) номи билан аталган [10: 207; 11: 2]. Оламгирнинг Ҳиндистонда ислом ҳуқуқини ёйишга ва уни мустаҳкамлашга қўшган асосий ҳиссаларидан бири мазкур тўпламнинг юзага келишидаги ташаббусидир. Бу тўпламнинг яратилиш санаси бўйича олимлар ўртасида баҳслар мавжуд. Покистонлик исломшунос олим Базимий Ансорий (1913–1989)